

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2021 йил декабрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Қўштепа тумани, Сохибкор м.ф.й. биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, М.Умурзақовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси А.Юсупов, судланувчи Ў.Исоқовнинг ҳимоячиси-адвокат Х.Юлдашев, жабрланувчи И.Бойигитов ва судланувчи Ў.Исоқовларнинг иштирокида,

Судланувчи

Исоқов Ўткирбек Кенжаевич (Isoqov O'tkirbek Kenjayevich), 1976 йил 7 июль куни Фарғона вилояти, Қўштепа (Охунбобоев) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Қўштепа тумани, Сохибкор м.ф.й., Муштарак кўчаси, 3-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 24 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган Исоқов Ўткирбек Кенжаевич (Isoqov O'tkirbek Kenjayevich)га нисбатан 1-1512-2101/293-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Исақов Ўткирбек Кенжаевич 2021 йил 29 май куни соат 07⁰⁰ ларда бошқарувидаги "Damas" русумли, 40K284TA давлат белгили автомашинасида Қўштепа тумани, Ўрта Ўқчи м.ф.й. худудидан ўтган Марғилон-Қоражийда автомобиль йўлидан Марғилон шаҳар йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётиб, Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган Йўл ҳаракати қоидаларининг 11-банди "г" кичик бандида кўрсатилган "Ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак" деган талабларини қўпол равишда бузиб, унга нисбатан йўлнинг ўнг томонида эшак-аравада ҳаракатланиб кетаётган Бойигитов Илҳомжон Мухторовични уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада И.Бойигитов тан жароҳати олиб, даволаниш учун шифохонага мурожаат қилган.



Суд тиббий экспертизасининг 2021 йил 11 июндаги 1842-сонли хулосасида И.Бойигитовда кўшалок шикасти, ёпиқ калла мия шикасти, бошини ўнг чакка суягини чизиқли синиб синиқликнинг ўнг кўз коса суягига пешона суягига, мия асосига ўтиши, бош мия моддасини оғир даражада лат ейиши, пешона соҳасини эпидурал гематомаси, ўнг умров суягини акромиал қовоқлари соҳаларини қонталашлари, ўнг ёнбоши соҳасини шилинмаси аниқланиб, бу тан жароҳати ҳаёт учун хавfli бўлган оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Ў.Исоқов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 29 май куни соат 07⁰⁰ ларда бошқарувидаги “Damas” русумли 40K284TA давлат белгили автомашинасини Қўштепа тумани, Ўрта Ўқчи м.ф.й. ҳудудидан ўтган Марғилон-Қоражийда автомобиль йўлидан Марғилон шаҳар йўналиши томонга бошқариб кетаётиб, йўлнинг унга нисбатан ўнг томонида эшак-аравада кетаётган И.Бойигитовни уриб юборганини, натижада И.Бойигитов шифохонага мурожаат қилганини, жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатганини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги ва ўзаро ярашиб олганлиги сабабли, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Бойигитов судга тақдим қилган аризаси ва суддаги кўрсатувида ҳақиқатдан ҳам, 2021 йил 29 май куни соат 07⁰⁰ ларда Қўштепа тумани, Ўрта Ўқчи м.ф.й. ҳудудидан ўтган Марғилон-Қоражийда автомобиль йўлида эшак-аравада кетаётганида Ў.Исоқов “Damas” русумли 40K284TA давлат белгили автомашинасида уриб юборганини, натижада тан жароҳати олганини, ҳозирда соғлиги яхшилигини, Ў.Исоқов моддий томондан ёрдам берганини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, Ў.Исоқов билан ўзаро ярашиб олганликлари сабабли Ў.Исоқовга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, суд ярашув тўғрисидаги аризасини қаноатлантирса, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд, жабрланувчи ҳамда судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, туман



прокурори ёрдамчиси А.Юсупов ва адвокат Х.Юлдашевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ў.Исоқовнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан Ў.Исоқовнинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан, жиноят ишини тугатишни, Ў.Исоқовни жинойий жавобгарликдан озод қилишни, судланувчи Ў.Исоқовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

Шунингдек суд, жабрланувчи И.Бойигитовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84, 423, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган Исоқов Ўткирбек Кенжаевич (Isoqov O'tkirbek Kenjayevich)га нисбатан ЖКнинг 661-моддасини қўллаб, унга оид жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, у жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи И.Бойигитовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ў.Исоқовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Қўштепа туман судининг раиси

А.Эргашев

